

**Мавзу: «Атом
энергетикасининг
хавфсизлиги
муаммолари.
Радиоактив
ифлосланиш»**

Режа:

- 1. Атом энергетикасини дунё микёсида тутган урни.**
- 2. Атом энергетикаси хавфсизлиги муаммолари.**
- 3. Атом ва термоядро энергияси якин келажак энергия манбаи.**

Бутун дунё атом энергиясига оид ташкилотнинг кейинги маълумотига кура дунёда **429та АЭС** булиб, уларнинг умумий кучи **3 млрд. кВтга** тенг. **АЭС** дунёдаги электроэнергиянинг **15% ини** ишлаб чикаради. АЭСнинг ярмидан ортиги Америкада жойлашган булиб, улар **101,4 млн. кВт** энергия ишлаб чикаради.

**Айрим мамлакатларда АЭС
энергия ишлаб чиқаришда
асосий уринни эгаллайди:**

Болгария-30%

Швейцария-35%

Швеция-39%

Бельгия-50%


Франция-65%

АЭС-энергия ишлаб
чиқаришнинг энг юқори
ютуғи булиши билан бирга, у
узига алохида эътиборни,
эҳтиёткорликни талаб
килади чунки Чернобиль,
АКШ, Англия Германия каби
мамлакатларда АЭСнинг
аварияга учраши бунга яккол
мисол була олади.

1986 йили Чернобиль АЭС аварияси вақтида ядро ёкилгиси жуда юкори хароратда 700-900°Сда темир, тош, кум билан эриб, улардан хосил булган плутоний заррачалари чанг-тузон атроф-мухитга таркалган. Натихада Чернобилга якин жойлашга Украина ва Белоруссия ерлари радиоактив чанг-тузони остида колиб кетган. Куп кишлок ва посёлкалар ахолтси бошка хавфсиз жойларга кучирилган.



ЧЕРНОБЫЛЬ АТОМ ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ ВА УНИНГ АСОРАТЛАРИ



1971-1984 йилларда 14 та мамлакатнинг 151 та АЭС ида авария содир булган. Бунинг натижасида табиат ва ундаги тирклик катта хавф остида колган.

АЭС нинг 1 та реактори ишлаши учун 1000 га якин инженер-техник ходимлар хизмат килиши керак.

Жойнинг сейсмик холати ва етарли сув миқдори урганилади.

Битта 1 млн.кВт кучга эга булган АЭСнинг бир кунлик ишига 16 кг ядро ёкилгиси керак, холос. Бу бир темир йул состави оркали келадиган мазуутнинг ёкилги кучига тенг.

Воронеж шахри учун хизмат киладиган 1000 мВт кучга эга булган АЭСнинг 2 та реактори 400 000 га якин ахоилили шахарни иссиклик ва иссик сув билан таъминлайди. Бу эса уз навбатида 900 000 тонна тошкумир ва нефть махсулотларини тежайди ва атроф мухит турли чанг-тузон, олтингугурт, азот оксидлари билан кам ифлосланади.

Хозирги кунда олинаётган электроэнергиянинг 70%га яқини нефти, газ, кумир, торф хисобига булади. Уларнинг табиатдаги захираси аранг 200-300 йилга етади.

Шунинг учун термоядро энергиясининг хиллари келажак энергия манбаи хисобланади. Чунки бир кунда 1 млн. кВт энергия олиш учун 750 т. кумир ёки 400 т. нефть ёки 250 грамм уран-235 ёки 34 грамм огир водорд керак. Улардан огир водород-дейтерий жуда кенг таркалган, манбаи чексиз.



2000 йил 31 августдаги

“Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги
Қонуни

Ушбу қонуннинг мақсади радиациявий хавфсизликни, фуқаролар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки, шунингдек, атроф муҳитни ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.